60795

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 июль, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 127 (1129)

## ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИ

4 июль куни Тошкентда республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик саноат корхоналари барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди, деди Ислом Каримов. Чунки республика аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқда яшайди. Бошқача айтганда, 3 миллион 600 минг қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,5 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин.





СУРАТЛАРДА: мажлис пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Республика Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг аҳволи ҳамда уларни жадаллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида, Бош вазир ўринбосари — ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида маърўза қилдилар.

Мазкур кенгаш тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш, унинг таркибини кенгайтириш ва янгилаш, 1995 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).

## ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

4 июль куни Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини ташкил этиш бўйича таъсис конференцияси бошланди.

ЮНЕСКО дастурига мувофиқ ўтказилаётган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Корея Республикаси, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, Франция, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари вакиллари, халқаро ташкилотлар кузатувчилари ва мутахассислари иштирок этмоқда.

Конференцияни ЮНЕСКО вакили Д. Диен очди. У мазкур институтнинг очилиши Марказий Осиё халқлари тарихида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ушбу тадбирга алоҳида эътибор бераётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов мамлакатимизда маданий-маърифий соҳаларда кўпгина ютуқлар қўлга киритилаётгани, миллий қадриятларимиз тикланаётгани ҳақида сўзлар экан, Халқаро институтнинг айнан Самарқандда ташкил этилиши бежиз эмаслигини қайд этди. Чунки, бу қадим маскан Шарқ тараққиёти, илму фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

### • «Ғалла-95»

## ИШЛАГАН... АРМОНДА ҚОЛМАЙДИ!

***Бу йилги мавсум Сурхондарё ғаллакорлари учун мураккаб кечмоқда. Комбайнларнинг камлиги, эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги суръатни кўнгилдагидек оширишга имкон бермаётир.***

Аммо шунга қарамай, саксон беш минг гектар суғориладиган майдонга экилган ғалла ўримининг охири кўриниб қолди. Ғалла тайёрлаш режасини бажарган жамоалар эса кун сайин кўпаймоқда.



Қўмқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли деҳқон-фермерлар уюшмаси ғаллакорлари вилоятда пешқадамлар қаторида дастлабки маррани эгаллашди. Давлатга уч ярим минг тонна дон сотилди. Шунинг минг тоннаси уруғликдир. Уюшма бўйича ҳосилдорлик ўртача 31 центнерни ташкил этган бўлса, Хўшбоқ Жўраев деҳқон хўжалиги ғаллакорлари эса 35 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан ҳосил олдилар. Мамаражаб Донаев, Норқобил Сувонов, Турди Саидов бошлиқ деҳқон-фермер хўжаликларида ҳам бу кўрсаткич 45-57 центнерга етди.

— Режа ортиғи билан бажарилсада, ўрим давом этмоқда, — дейди уюшма раиси Эргаш Жумаев. — Етти юз тонна донни уруғлик учун олиб қўямиз, бир минг тоннасини эса харид нархида ғаллакорларга сотамиз.

Ғалладан бўшаган 180 гектар ерга эртапишар пахта, 400 гектарга маккажўхори, 150 гектарга мош, шунингдек, полиз ва сабзавот экинлари экилди.

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТЕХНИКА ВА ҚЎЛ КУЧИГА ТАЯНИЛЯПТИ

***Навоий вилоятининг Қизилтепа, Навбаҳор, Навоий туманларидаги 60-70 фоиз майдондаги ғалла ҳосили ўриб-янчиб олинди.***

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳосилдорлик гектарига 30-32 центнерни ташкил этаяпти.

Қизилтепа туманида бу йил 3090 тонна ҳосил етиштириш режалаштирилган эди. Ана шу мақсадга эришиш йўлида ҳозир ғаллазорларда 40 та комбайн юқори унум билан ишлатилаяпти. Бундан ташқари 450 нафар ўроқчи ҳам ўримга жалб этилган. Техника ва қўл кучи ёрдамида бир кунда 300 тоннадан ортиқ дон йиғиштириб олинаётир. Мутахассисларнинг фикрича, «Бухоро», «Ворозун», «Зармитан», «Деҳқонобод» жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик ўтган йилгига нисбатан 1,5-2 ҳисса кўп бўлиши кутилаяпти.

Навбаҳор тумани ғаллакорлари ҳам ўрим-йиғим ишларини пухта ташкил этиб, тайёрлов пунктларига



кунига 150 тоннадан ошиқ дон жўнатишмоқда. «Зарафшон» ва С. Жўраев номли жамоа хўжаликларида ҳозиргача гектар ҳисобига 39-40 центнердан хирмон уйилди.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири**

## САРАТОННИНГ ҲАР БИР КУНИ ҒАНИМАТ

**Қарши туманида ғалладан бўшаган ерларга такрорий экинлар экиш қизғин давом этмоқда**

Туман қишлоқ хўжалиги мутахассислари томонидан баҳордаёқ ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экинлар етиштириш тадбирлари ишлаб чиқилганди. Бироқ-туман ҳокимининг айтишича, ғалла майдонларининг ҳаммасига такрорий экинлар экишнинг иложи йўқ. Чунки сув танқислиги сезилаяпти. Шундай бўлса-да, ҳозиргача 2 минг гектар ерга сабзавот, маккажўхори, мош, полиз экинлари уруғи қадалди. Бўш ерларнинг бир қисми эса шартнома асосида аҳоли ва фермер хўжаликларининг ихтиёрига берилди.

Экинлар парваришi билан шуғулланувчиларга деҳқон (фермер) хўжаликларига техника, уруғ ва ўғит ажратилди.

Қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини ошириш, бозор иқтисодиёти шароитида дастурхон тўкинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бу тадбирлар тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиз. Кузакда, деҳқонча қилиб айтганда, «ғалвир сувдан кўтарилганда» такрорий экинлар ҳосилидан деҳқон ҳам, жамоа хўжаликлари ҳам бирдек манфаатдор бўлишади. Негаки, бу йил ғалладан бўшаган майдонларнинг 5 минг гектарида деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил олиш кўзда тутилаяпти.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: Оқ олтин туманидаги «Бобур» ширкат хўжалиги комбайнчиси Р. Худойбердиев; Яккабоғ туманидаги Амир Темур номли жамоа ширкат уюшмаси раиси Н. Жумаев ва комбайнчи Қ. Муродов.**

**Б. ТЎРАЕВ ва Э. ҚУЛМУРОДОВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Уни олий суд раиси У. Мингбоев бошқарди.

Пленумда судьялик лавозимига янги тайинланган судьялар тантанали қасамёд қилдилар.

Пленум қатнашчилари шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланган кишилар берган қасамёдига ҳамиша содиқ бўлиб, ватани ва халқига сидқидилдан хизмат қилиши, одил судловни амалга оширишда зўр қатъият кўрсатиши зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, пленумда республика Олий суди фаолиятига оид бир қанча бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Пленумда республика бош прокурори Б. Мустафоев қатнашди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 4 июлда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн олтита банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 15,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 30,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 5 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 21,27 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,10 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 47,92 |
| 10 Бельгия франки | 10,59 |
| 1 Голландия гульдени | 19,43 |
| 10 Греция драхми | 1,34 |
| 1 Дания кронаси | 5,57 |
| 1 АҚШ доллари | 30,00 |
| 1 Миср фунти | 8,82 |
| 1 Ирландия фунти | 49,29 |
| 1 Исландия кронаси | 0,48 |
| 10 Испания песети | 2,49 |
| 100 Италия лираси | 1.85 |
| 1 Канада доллари | 21,89 |
| 1 Кувайт динори | 100,44 |
| 100 Ливан фунти | 1,85 |
| 1 Германия маркаси | 21,77 |
| 1 Норвегия кронаси | 4,88 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,06 |
| 1 Сингапур доллари | 21,51 |
| 1000 Туркия лираси | 0,68 |
| 1 Финляндия маркаси | 7,06 |
| 1 Франция франки | 6,21 |
| 1 Швеция кронаси | 4,15 |
| 1 Швейцария франки | 26,21 |
| 1 ЭКЮ | 40,08 |
| 10 Япония иенаси | 3,55 |
| 1000 Россия рубли | 6,61 |
| 1 Эстония кронаси | 2,71 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,21 |
| 1 Латвия лати | 59,06 |
| 1 Литва лити | 7,50 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,47 |
| 1 Молдова лейи | 6,61 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,61 |

Марказий банк 1995 йил 5 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,00 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 30,00 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### • Мустақиллик йўлида

## СЎМНИНГ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмни эркин алмаштириш йўлига олиб чиқишда яна бир муҳим қадам қўйилди. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб алмаштириладиган пулнинг чеклаб қўйилган энг юқори миқдори ва хорижий валютани сотиб олиш чоғида фуқароларнинг паспортига белги қўйиш бекор қилинди. Бу ишнинг бошланиши Ўзбекистон тарихидаги унутилмас сана — давлатимизнинг энг нуфузли рамзларидан бири бўлган сўм муомалага киритилган куннинг бир йиллигига тўғри келгани диққатга сазовордир. Бу вақт ичида сўмнинг кучини мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Пухта молиявий сиёсат ўтказилиши қўшимча пул чиқаришни йўл қўйиладиган даражада сақлаб туришга имкон берди. Ички бозоримиз фақат четдан келтириладиган моллар билангина эмас, республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан ҳам тўла бошлади. Миллий валютамизнинг мустаҳкамлиги ва унинг кучини ички ислоҳотлардан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият ҳам тасдиқламоқда. Сўнгги вақтда миллий валютамиз жаҳонда яхши, барқарор обрў қозона бошлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ва иқтисодиётни, жумладан пул-кредит тизимини қайта қуришга асосланган ўзгаришлар сўмнинг барқарорлигини таъминламоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ички алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони сўмни мустаҳкамлашда яна бир муҳим омил бўлди. Фармонга мувофиқ, фақат корхоналаргагина эмас, жисмоний шахсларга ҳам Ўзбекистон Республика валюта биржасида пулни алмаштиришда имтиёзли ҳуқуқ берилди.

Иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш юзасидан тўғри йўл тутилгани туфайли республика банкларининг валюта захиралари анча кўпайди. Эркин муомаладаги валютага бир йўла алмаштириладиган пул миқдори ҳам шунга мувофиқ равишда ошди. Сўнгги вақтгача бу миқдор 500 АҚШ долларини ташкил этар эди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришнинг чекланган миқдорини олиб ташлаш тўғрисида»ги қарори амал қилаётганига ишонч ҳосил қилиш учун ЎзА мухбири «Ипак йўли» иновация-тижорат банкининг Тошкент марказида жойлашган пул алмаштириш пунктларидан бирида бўлди.

— Бу қарор кучга кирганидан сўнг бизнинг пул алмаштириш пунктимизда навбат кутувчилар қолмади,— деди смена кассири Фарҳод Мусаев.— Биз кунига 30-40 кишига хизмат қиламиз. Валюта сотганимиз ёки сотиб олганимиз тўғрисида фуқароларга маълумотнома ёзиб берамиз. Бу бизнинг ҳисоботимиз учунгина эмас, айни пайтда пул расмий равишда алмаштирилганига ишонч ҳосил қилиши учун одамларнинг ўзига ҳам зарур. Пунктимиз эрталаб соат 9 дан кечқурун 6-7 га қадар ишлайди. Ҳар қандай киши зарур миқдордаги хорижий валютани амалдаги расмий қийматига мувофиқ сотиб олиши ёки сотиши мумкин.

Кассир билан гаплашиб турганимизда навбатдаги мижоз келиб қолди:

— Хоҳлаганча доллар сотиб олиш мумкинлиги тўғрими? Менга 110 доллар керак эди...

Операция ортиқча расмиятчиликсиз, бир неча дақиқа ичида амалга оширилди.

— Одамлар хорижий валютада бундан ҳам кўпроқ пул сотиб олишмоқда,— дея суҳбатни давом эттирди пул алмаштириш пунктининг назоратчиси Умид Иброҳимов.— Масалан, бугун мижозларимиздан бири 680 Америка доллари сотиб олди. Унинг гапига қараганда, доллар тижорат операцияси учун зарур, яъни у шахсий дўкони учун хорижий мол харид қилмоқчи экан.

Тошкентда ишлаб турган бошқа алмаштириш пунктларида ҳам вазият шундай. Қарор чиққунига қадар одамлар баъзан қонунни четлаб ўтиб, чайқов бозорида валюта сотиб олар эди. Чунки, банклар эълон қилинган расмий қиймат бўйича зарур миқдордаги валютани алмаштириш қийин эди. Энди муаммо ечилди. Ҳозирги пайтда деярли ҳамма жойда — вокзалларда, меҳмонхоналарда, жамғарма банкларининг муассасаларида ишлаб турган пул алмаштириш пунктларига мурожаат қилган ҳар бир киши иқтисодий ислоҳотларнинг кучини, бу ислоҳотлар миллий валютамизни эркин муомаладаги валютага кун сайин яқинлаштираётганини ҳис этади.

(ЎзА).

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ЭЛ СОҒЛИГИ ЭЪТИБОРДА

***Андижонда бўлиб ўтган халқаро конференция Фарғона водийси аҳолиси саломатлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланди.***

«Экосан» халқаро жамғармаси ҳамда Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти ҳамкорлигида ўтказилган бу анжуманда Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари ҳамда қўшни Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидан келган мутахассислар, олий ўқув юртларининг олимлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари қатнашди.

### УСТАЛАР ОЛМОНИЯДА МАЛАКА ОШИРИШАДИ

**Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳрида қад ростлаётган «Мерседес-Бенц» корхонаси мутахассислари яқинда автоприцеплар, рефрежераторлар йиғишга киришади. Шу боис тўрт нафар уста Германияга малака оширишга жўнатилди.**



**СУРАТДА: йиғув бўлими бошлиғи Ҳ. Ботиров ва инженер М. Бобожонов.**

### 30 ТОННА «ЗОЛОН»

***Франциянинг «Рон пуленк» фирмасидан қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши қўлланиладиган 30 тоннадан зиёд «Золон» препарати келтирилди.***

Шу вақтгача ишлатиб келинган препаратлар фойдали ҳашаротларни ҳам қириб юборарди. Янги препарат эса кўсак қурти, колорада қўнғизи, ўргимчаккана каби зараркунандаларга қарши қўлланилади. Республикамиз пахтакорлари ўтган йили шу фирманинг «Преп» препаратидан самарали фойдаланишганди.

### КИТОБХОНЛАР АНЖУМАНИ

***Гулистон давлат университетида юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлди.***

Унда университет профессор ўқитувчилари, талабалар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар мазкур асарда мамлакатимизда кейинги вақтда юз берган жуда катта ўзгаришлар теран таҳлил этилгани, тараққиётимиз уфқлари белгилаб берилганини таъкидладилар.

### АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

***Самарқандда ҳомиладор аёллар саломатлигига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлди.***

Унда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш муассасаларида аёллар хасталикларини ташхислаш ва даволаш усуллари, бу борадаги муаммолар ҳақида маърузалар тингланди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Самарқанд тиббиёт институти ҳамда вилоят «Оналар ва болалар саломатлиги маркази» ҳамкорлигида ташкил этилган бу анжуман доирасида ўзаро тажриба алмашиш билан бирга илғор даволаш усуллари бўйича амалий тадбирлар ҳам ўтказилди.

### ЖАМБУЛЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЖИЗЗАХДА

***Мана икки ойдирки, Жиззахда Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилояти ваколатхонаси ишлаб турибди.***

Яқинда Жиззахга Жамбул вилоятидан бир гуруҳ ишбилармон келди. Улар вилоятдаги ўнга яқин йирик корхоналарда, хусусий фермаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифати билан танишди. Жумладан, уларни Жиззах устки трикотаж ва пайпоқ тўқув фабрикаларида, Жиззах аккумулятор ва пластмасса заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ғоят қизиқтирди. Ўзаро савдо-сотиқни, ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида келишиб олинди.

### ХИРМОН ДОНГА ТЎЛДИ



**Шеробод туманидаги Н. Муродов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 1360 гектар майдонга дон сепишганди. Ҳосил мўл бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 33 центнердан буғдой олинаяпти.**

**СУРАТДА: хўжалик комбайнчилари далада.**

### ҚАРДОШЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТГАН АДИБ

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди.***

Унда таниқли ёзувчи ва адабиётчилар сўзга чиқиб, ўзбек ва қозоқ халқлари маънавий меросининг муштараклиги, миллий маданиятларнинг ўзаро ривожи, иккала халқнинг дўстлиги ва қон-қардошлиги ҳақида гапирдилар. Зеро, Абай Туркистон халқларининг бирлиги ва қардошлигини теран тараннум этган адиблардан эди.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

